O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**Ислом КАРИМОВ:**

**МУСТАҚИЛЛИК ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ЎЗ ЮРТИДА ҚАДР-ҚИММАТНИ, БЎЙ-БАСТИНИ, ЎЗ МАДАНИЯТИ ВА АНЪАНАЛАРИНИ, ДИНУ ЭЪТИҚОДИНИ, ТИЛИ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ҚАЙТА ТИКЛАБ ОЛИШГА, МИЛЛИЙ ҒУРУР ВА МИЛЛИЙ ТАФАККУР ВАТАНГА МУҲАББАТ ТУЙҒУЛАРИНИ КАМОЛ ТОПТИРИШГА ЗАМИН ТУҒДИРДИ.**

МУСТАҚИЛЛИК 1991 9 2000

*Шу азиз Ватан — барчамизники*

# O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❒ 2000 ЙИЛ 25 ИЮЛЬ СЕШАНБА № 84 (26.634)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИГА ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ КЕЛТИРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ ҳамда ички бозорни истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан барқарор тўлдиришни таъминлаш, уларни республикага келтиришни ва божхонада расмийлаштиришни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и :**

1. Белгилаб қўйилсинки, 2000 йил 25 июлдан бошлаб:

Марказий банк лицензияларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келтириладиган, шу жумладан консигнация асосида келтириладиган истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари фақат «эркин муомалага чиқариш» ёки божхона назоратида божхона омборида «вақтинча сақлаш» режимлари бўйичагина божхонада расмийлаштирилади;

Марказий банк лицензияларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан келтириладиган истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларининг эркин муомала ва вақтинча сақлаш режимларида бўлиш муддати бир ойдан ошмаслиги керак;

Давлат божхона қўмитаси органлари ва божхона омборлари эгалари Марказий банк лицензияларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан белгиланган муддатларда расмийлаштирилмаган товарларнинг сақланиши учун жавоб бермайдилар.

2. Марказий банк лицензияларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига ушбу қарор чиққунгача келтирилган ва бошқача божхона режимларига жойлаштирилган истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари 2000 йил 1 сентябргача бўлган муддатда «эркин муомалага чиқариш» ёки «вақтинча сақлаш» режимлари бўйича божхонада расмийлаштирилиши керак.

3. Истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларини божхона ҳудудига келтириш, сақлаш ва божхонада расмийлаштиришнинг ушбу қарорда белгиланган тартибига риоя этилиши юзасидан шахсан жавобгарлик божхона органлари раҳбарлари ва божхона омборлари эгалари зиммасига юклансин.

«Эркин муомалага чиқариш» ёки «вақтинча сақлаш» режимлари бўйича божхонада расмийлаштириш ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда хўжалик юритувчи субъектлар Марказий банкнинг конвертациялашдаустувор ҳуқуқ берувчи лицензиясидан маҳрум қилинади.

«Вақтинча сақлаш» режими бўйича расмийлаштирилган истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларини божхона омборларида сақлашнинг белгиланган муддатлари бузилган тақдирда божхона омборлари эгаларидан божхона омбори ташкил қилиш юзасидан берилган божхона органи лицензияси олиб қўйилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келтирилган истеъмол товарлари, дори-дармонлар ва тиббиёт буюмларининг божхонада ўз вақтида расмийлаштирилиши устидан қатъий назоратни таъминласин;

ушбу қарор қоидалари бузилиши бўйича аниқланган ҳолларга доир ахборотни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига мунтазам равишда тақдим этсин.

5. Белгилансинки:

Марказий банк лицензияларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказиш муддати ариза тушган вақтдан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги керак;

ушбу импорт контрактларини ваколатли банкларда ҳисобга қўйиш муддати 2 иш кунидан ошмаслиги, божхона органларида эса — 1 иш куни мобайнида амалга оширилиши керак.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 24 июль

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 25 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 162,60 | 10 Люксембург франки | 64,13 |
| 1 Австрия шиллинги | 18,80 | 1 Малайзия ринггити | 72,73 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 419,50 | 1 Германия маркаси | 132,28 |
| 10 Бельгия франки | 64,13 | 1 Польша злотийси | 64,34 |
| 1 Голландия гульдени | 117,40 | 1 СДР | 364,95 |
| 10 Греция драхмаси | 7,69 | 1000 Туркия лираси | 0,44 |
| 1 Дания кронаси | 34,71 | 1 Финляндия маркаси | 43,51 |
| 1 БАА дирхами | 75,25 | 1 Франция франки | 39,44 |
| 1 АҚШ доллари | 276,35 | 1 Швейцария франки | 166,41 |
| 1 Миср фунти | 79,53 | 1 ЕВРО | 258,72 |
| 10 Испания песети | 15,55 | 10 Жанубий Корея вони | 2,48 |
| 100 Италия лираси | 13,36 | 10 Япония иенаси | 25,45 |
| 1 Канада доллари | 187,88 | 1 Россия рубли | 10,00 |
| 1 Хитой юани | 33,38 | 1 Украина гривнаси | 50,81 |

*)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАГИ СУҲБАТЛАР



Неъмат САЪДИЕВ, Сирдарё шаҳридан, тадбиркор:

# ХАЛҚ ЎЗИНИ ТАНИДИ, ЎЗ ЙЎЛИНИ ТАНЛАДИ

—Укам Баротали билан Тошкентни айланиб келишни ният қилган эдик. Мана, пойтахтимизнинг энг чиройли жойларидан бири Мустақиллик майдонида турибмиз. Укалар, сизлар ҳозир мендан мустақиллик, озодлик тўғрисида сўраяпсизлар. Гапнинг очиғи, бу тушунчалар ҳозир ҳамманинг онгига сингиб бўлган. Дунёда Ўзбекистон деган давлат, ўзбек деган халқ ўз кунини ўзи кўриб, ўз тақдирини ўзи белгилайдиган бўлди. Энди ўз бойликларимиз ўзимизга қайтди. Еримизга, ҳавомизга, сувларимизга, жамийки бойликларимизга бошқалар хўжайин эмас. Оддий деҳқондан тортиб, энг юқори лавозимда ишлайдиган мансабдоргача ўзини эркин ҳис қилади, энг муҳими, давлатимиз олиб бораётган сиёсатга ишонади, инонади.

Мустақилликдан олдин одамлар ўз қадри топталишининг асл сабаби нимада эканлигини ҳам англамас эди. Масалан, айримлар мен раҳбарман деб қариндош-уруғининг жанозасига бориб фотиҳага қўл очишдан қўрқар эди. Мусулмончилик, ўзбекчилик оёқ ости қилинган эди. Халқнинг удумлари, миллий урф-одатлари кишилар онгидан суриб чиқарила бошлаган эди. Наврўзда сумалак қайнаётган қозонга қум ташлаган бюрократга сен ўзбексан-ку, нега шундай қиласан, десангиз жирканиб қараган кезлар ҳам бўлган. Чунки карахтлик ҳукм сурарди. Қанчалаб раҳбарларимизга «пахта иши» баҳонасидан айб қўйилди. Улар қамалиб чиқдилар. Хуллас, халқни, мамлакатни кўринмас бир куч босиб турар эди.

Эсимда, мустақиллик эълон қилинган куни кўп йиллар раҳбар бўлиб ишлаган, оқ-қорани танийдиган дўстим уйимга келди. Унинг йиғлаганини ўз кўзим билан кўрганман. У нима деди денг, «ошна, энди қўрқмасак ҳам бўлади, энди бизга зуғум ўтказувчилардан қутулдик. Ошна, энди болаларимиз биз каби фикран хаста бўлиб ўсмайдилар. Энди ўғлим мен тортган жабрларни тортмайди. Ҳали кўрасан, ҳамма қийинчиликлар ўтиб кетади. Энди ўлмаслик керак, энди истиқлолни кўриб, ҳузур-ҳаловат билан яшаш керак...» деди. Унинг гапларини эшитиб менинг ҳам кўзимга ёш келди. Дўстим жуда оғир кунларни бошидан кечирган, шунча йиллик меҳнати эвазига шўро қамоқхона билан тақдирлаган, ноҳақ жабр тортган эди.

Орадан йиллар ўтди. Айрим жароҳатлар битди. Ўша ошнамизнинг соғлиғи тикланди, ёшаргандай бўлди. Ҳозир кўрсангиз чеҳрасидан нур ёғилади. Невараларига тўй қилди. Фарзандларини ўқитди, обрўйини тиклади. Мана истиқлол одамларга, хонадонларга нима берди — кулги, шодлик берди.

Куни кеча Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисидаги маърузасини ЎзТВ орқали эшитдим. Бунда биз тадбиркорларга ҳар томонлама янада кенг йўл очилганлиги таъкидланди. Энди бизнинг ишимиз тараққиётга ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди. Юртбошимизнинг биз тадбиркорларни қўллаб-қувватлаши ҳар биримизнинг кўнглимизга қувонч ва ишонч бахш этди.

Бугундан гапирсак — вилоятимизнинг маркази Гулистон шаҳри кейинги йилларда мутлақ ўзгариб кетди. Республикамизда энг кўркам шаҳарлар қаторидан ўрин олди. Бир пайтлар бу шаҳарни хароб аҳволда, кўрар эдингиз. Очиғи, ҳозир Сирдарё вилояти таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди. Бу мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган энг одил сиёсат меваси эмасми? Элда хотиржамлик, тинчлик, тўйчилик, дастурхонимизда тўкинчилик.

Менинг фикримча, халқимизнинг тушунган кишиларини, навқирон фарзандларимизни, осойишталигимизни йўқотиб қўймаслик учун ҳам ҳар биримиз ҳушёр туришимиз керак. Истиқлолни асрашимиз зарур. Маҳаллийчиликка, уруғчиликка қарши туришимиз керак. Биз бир-биримиз билан жипслашсаккина кунларимиз янада ёруғ ва файзли бўлади.

■ **Рукн учун масъуллар: Норбобо ШАКАРОВ, Қўчқор НОРҚОБИЛ**

# ХАЛҚАРО АЭРОКОСМИК МАКТАБИ — 2000

***Эртага «Ўзбеккосмос» агентлиги «Коинот» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг базасида анъанавий халқаро аэрокосмик мактаби ўз ишини бошлайди. Ҳар ёзда ўтадиган ушбу анжуманда 14-17 ёшдаги 50 дан ортиқ ўғил-қизлар иштирок этадилар. Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан, Тошкент шаҳридан, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Озарбойжондан келган курсантлар ушбу ўзига хос «кичик юлдузлар академияси»нинг тингловчилари бўлишади.***

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

## ИНГЛИЗЧА БЕПУЛ ЎҚУВ

Пойтахтдаги 144-ўрта мактабда хайрли ишга қўл урилди. «Ракат» маҳалласи ҳудудидаги бу мактабда болаларга инглизча ўқувни ташкил этиш ташаббусини маҳалладошлардан Исоқ Самоилов билан Ўлмас Шукуров бошлашган эди. Уларнинг ташаббусини АҚШ элчихонаси маъқуллади. Хусусан, Америка фуқароси — Ўрта Осиёга беғараз ёрдам жамғармаси назоратчиси Юсуф Гарднер мадад қўлини чўзди. У АҚШдан 4 нафар ўқитувчини жалб қилиб, ёзги таътил кунларида 7-12 ёшли болаларни инглизча ўқитишни бошлаб юборди. Бу билан болаларнинг таътил кунларини мароқли ва мазмунли ташкил этилишига йўл очилиб, улар инглизчани ўргана бошлашди.

■ **Мирзо АНВАР**





Ёз манзаралари

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

**ОЧИҚ ГАПЛАР**

# МАЖБУРИЙ ФАОЛИЯТСИЗЛИК

## фермернинг синишига шароит яратди

... Фермерлар (кичик ва бошқа турдаги корхоналар) синиши бозор шароитида одатий ҳол. Бунга фермерларнинг уқувсизлиги, иқтисодий номутаносиблик... сабаб бўлиши мумкин. Кўпинча бу ҳолатлар «фалон муддатда фаолият кўрсатмагани учун» туман ҳокимининг қарорига асос ўрнини босади.

Энди ана шундай бир қарор билан танишайлик:

Гурлан туман ҳокими 1998 йил 4 сентябрда 254-сонли қарор чиқаради. Унинг қисқача матни: «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан туманда олти ойдан кўп давр мобайнида молия хўжалик фаолияти билан шуғулланмаётган корхоналарни давлат рўйхатидан чиқариш тўғрисида». Мазкур қарор билан тумандаги 66 та шундай субъект фаолиятсизлиги учун рўйхатдан чиқарилган. Рўйхатда «15» рақам остида «Бобо» фермер хўжалиги ҳам кўрсатилган.

Энди «фаолиятсизлиги учун» синган, тўғрироғи синдирилган «Бобо» фермер хўжалиги ҳақида.

«Бобо» фермер хўжалиги 1994 йилда ташкил этилган. Асосан гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. 1994 йил 12 августда туман ҳокимининг 285-сонли қарорига асосан фермерга И. Холматов номли жамоа хўжалиги ҳудудидан чорва озуқа экинлари экиш учун бир гектар экин ери ажратиб берилган.

Муқаддам 1994 йил 27 январда «Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича «Бобо» фермер хўжалиги билан И. Холматов номли жамоа хўжалиги ўртасида шартнома тузилган. Шартномага кўра фермер хўжалиги ўн йил муддатда ҳар йили 1700 килограмм гўшт маҳсулотлари етиштириши кўрсатиб ўтилган. Шартноманинг 2-бандида: «И. Холматов номли жамоа хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган:

«1. «Бобо» деҳқон хўжалигига район ҳокимининг қарорига мувофиқ бир гектар ер майдонининг аниқ чегараларини кўрсатиб деҳқончилик қилиш учун қулай ва яроқли ер майдонини бериш ва бу ердан фойдаланишда деҳқон хўжалигининг дахлсизлигини таъминлаш.

Деҳқон хўжалигига фермер яшаётган жойда яқин бўлган «488» контурда бир гектар ер майдони ажратиб берилган. Буни тасдиқловчи барча ҳужжатлар бор. Икки йил давомида янгидан иш бошлаган фермер қарамоғида беш бош қорамол бўлгани ҳолда шартнома мажбуриятларини бажариш учун ҳаракатлар қилган. 1994 йил давомида бир ярим тоннага яқин гўшт ва 4 тонна сут ишлаб чиқарилган. 1995 йилда ҳам шартномадаги 1700 килограмм гўшт ишлаб чиқарилган. Маҳсулотнинг бир қисми бозорга чиқарилиб, аҳолига нисбатан арзон нархларда сотилган. Аммо...

1996 йил бошиданоқ фермер фаолият кўрсатиши учун имкон йўқолган. Яъни, унга қонуний равишда берилган ер майдонига чорва экинлари экиш мумкин бўлмай қолган. Эрта баҳорданоқ мазкур экин майдонига одамлар турар жой қуриш учун қурилиш материаллари келтира бошлаганлар. 1996 йил 26 июлда туман ҳокими 286-қарорига кўра «3 массивдаги 1, 2, 3, 4, 5, 6-ер участкалари «кимошди» савдосига қўйилган ва хоҳловчилар томонидан зудлик билан харид қилиниб, бу майдонда турар жой қурилишлари бошлаб юборилган.

Юқорида эслатган «Шартнома»нинг 4-банди: «Шартномани бекор қилиш асослари ва низоларни ҳал қилиш тартиби» деб аталади. Унинг 2-қисмида «Бирор томоннинг айби билан шартнома шартлари бузилганлиги сабабли ёки бўлмаса бирор узрли сабабларга кўра шартнома бир томонлама бекор қилиш зарурияти туғилган тақдирда уни талаб қилувчи томон иккинчи томонни бу ҳақда уч ой олдиндан огоҳлантириши», кўрсатилган.

Деҳқон-фермер хўжалиги тасарруфида бўлган ер майдони хўжалик ихтиёридан Гурлан шаҳарчаси ихтиёрига ўтгани ва «кимошди» савдосига қўйилиши ҳақида фермерни ҳеч ким олдиндан огоҳлантирмаган. Натижада фермер чорва молларини «Гурлан комплекс» корхонасига арзон-гаровга сотиб юборишга мажбур бўлган.

Қизиғи шундаки, 1996 йилда фермер ихтиёридаги ер майдони «кимошди»да фуқароларга сотилган ва роса икки йилдан сўнг фермер «Олти ой фаолият кўрсатмаётганликда айбланиб» мажбуран синдирилган.

Собиқ фермер Шарифа Собирова ҳамон ҳеч бўлмаганда фермер хўжалигини қайтадан ташкил қилиш учун ер ололмай овора. Турли йилларда турлича қарор чиқарган ҳокимлар ва хўжалик раҳбари вазифасидан бўшаб кетишган. Шу ҳудудда фермер ҳамон истиқомат қилмоқда. У ҳақ-ҳуқуқини кимдан талаб қилиши керак?

Шарифа опадан шу ҳақда сўрадик.

Жавоби қисқа бўлди: «У йилларда фермерлик янги бошлама эди. Қонунни қайдан билибмиз. Президентимизнинг фермер-деҳқон хўжаликларига катта эътибор бераётганликлари эсимизни жойига келтирди... Яна бир гап: туманда фермер хўжалиги очиш илинжида югуриб юрганлар кўп. Аммо, бундай енгиллик «кимнингдир одами» бўлганларга осонгина насиб қилмоқда...»

Ўтган ишга саловат деймиз. Балки боболарнинг ўгити тўғридир. Аммо, ана шу «ўтган иш» ортида адолатсизлик турган бўлса-чи? Умуман, фермерлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳамон тўлиқ билишмаётгани ҳам кишини ажаблантиради.

Бошқа нарсани ҳам ўйладим: юқорида «фаолиятсизлиги учун» синган 66 субъектнинг барчасида айб фақат мулк эгасидамикан? Балки, улар орасида мажбурий фаолиятсизликка олиб борилган «Бобо» фермер хўжалигига ўхшагани кўпдир?..

■ **Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири**

*«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти қошида ташкил этилган*

**«ҚАЛАМКАШ»**

*ёш журналистлар мактабининг навбатдаги гуруҳига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади.*

*Ўқиш муддати бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади. Битирувчиларга ҳужжат берилади.*



**Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти. Тел.: 136-55-05**

ТЕРАН ТОМИРЛАР

# МАЪНАВИЯТ — БЕШИКДАН

Кўп асрлик тарихга эга бўлган маҳалла биринчи маротаба мустақил республикамиз Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлди.

Юртбошимиз Ислом Каримов маҳаллалар моҳияти хусусида тўхталиб шундай деган эдилар: «Ўзини-ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда хос бўлган усули — маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳудудларидаги барча ишлар учун масъулдир. Бугун маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Маҳаллага эътибор — жамиятимиз тараққиётига эътибор демакдир».

Шу туфайли маҳаллалар мавқеини янада ошириш мақсадида президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан қатор қонун, қарор ва фармонлар қабул қилинди. Қонун ва Фармонда кўрсатилган масалаларни бажариш билан бирга маҳалла ўзига тегишли ҳудуднинг тозалиги, ободлиги, гузарлар кўркамлиги, кўча, майдон, бозорларнинг озода-саришталиги, хонадонлардаги ижтимоий вазият ва маҳалла экологик назорат инспекцияси, санитария-эпидемия марказлари, тиббиёт муассасаларининг фаолиятини ривожлантирса, ҳар бир оила муҳити соғлом тарзда шаклланиб, турмуш шароити яхшиланар эди.

Келажагимиз бугун фарзандларимизга қандай тарбия бериб, улар қалбини қанақа туйғу ва орзулар билан тўлдираётганимизга ҳам боғлиқ. Ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун аввало ота-она фарзандини тўғри йўлга бошлаш, ҳалол меҳнат қилиш, пухта билим олиш, меҳрибонлик, тўғри сўзлик, аҳиллик, иноқлик, халққа ва ватанга садоқатли бўлиш каби хислатларни ўргатиши керак.

Маҳаллаларда олимлар, ҳуқуқшунослар, соҳа мутахассислари, санъат ва маданият арбоблари иштирокида учрашувлар, тарбиявий суҳбатлар, мунозарали маърузалар уюштирсак, ёшларнинг фикрларини, маънавий-маърифий тафаккурини ривожлантиришга эришамиз.

Азалдан маҳаллаларда ўтказиб келинаётган бешик, суннат, никоҳ тўйлари, дафн маросимлари, ёшларни армия сафига кузатиш, сингари тантанали шодиёналар ва бир қанча урф-одатларимиз, удумларимизни кўнгилдагидек тинч, ортиқча сарф-харажатсиз, исрофгарчиликсиз, манманликка йўл қўймаган ҳолда ўтказишда маҳалла оқсоқолларининг таъсирини янада ошириш лозим.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда юртимиз келажагининг буюклиги, олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижалари айнан маҳаллаларга боғлиқ. Жамиятимиз ва давлатимиз маҳаллалар йиғиндисидан ташкил топганлиги, ҳар бир маҳалла ва турар-жой мавзеларда аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, фаровонлик, ободончилик, тинчлик, тотувлик, хурсандчилик бўлса, ҳуқуқий маданият ривожланса, шундагина ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш тарзи таъминланади.

**■ Қувончбек ҚОДИРОВ, Бобирбек ҚОДИРОВ**

# ЁШЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Хоразм вилояти ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилаётган тозалаш дастури жараёнида турли ўқув даргоҳларида учрашувлар ташкил этиш ва бунда талабаларни огоҳликка даъват қилиш, жойларда маънавий ва маърифий ишлар кўлами билан таниш ҳам кўзда тутилган. Шундай тадбирлардан бири биринчи Тошкент тиббиёт институтининг Урганч филиалида бўлиб ўтди. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Т. Худойберганов, республика ИИВ ДАН Бош бошқармаси бўлим бошлиғи А. Абдухалилов ва бошқалар талабалар билан учрашувда олиб борилаётган тадбирлар ҳақида сўз юритдилар ва ёшларни ватанимизда ҳар доим осойишталик бўлиши йўлида фидокорона сафда туришга чақирдилар.

**■ Ўз мухбиримиз**



Менинг қўлим калталик қилди,
Сен осмонни қучоқлаб яша.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# ОРЗУЛАР ОҒУШИДА

Аёл борки — олам мунаввар деган гап бежиз айтилмаган. Ҳар бир инсон қалбини дунёга қиёс этсак, унга меҳр нурин сочгувчи аёлдир. Ҳар бир оилани оламга тенг билсак, унга бахт улашувчи ҳам аёлдир. Наинки, ўз турмуш ўртоғи, фарзанди ё оиласи учун, ҳатто умрини барча инсонлар учун бахш этаётган фидойи опахонлар ҳақида ўйласам, кўнглимда ажиб туйғулар жўш уради. Қибрайлик ажойиб шифокор Мамлакат опа ҳам ана шундай умрини эзгу ишларга бахш этган аёллардан.

Ёшлигиданоқ оқ халат кийиб беморларни даволашни орзу қилган қизга омад кулиб боқди. Мактабни битирибоқ 1967 йили Тошкент тиббиёт институтига ўқишга кирди. Олий ўқув юртини тамомлаётган ёш мутахассисларни турфа тақдирлар кутади. Кимдир меҳнат қучоғига равона бўлади, бошқасига ўқишни давом эттириши учун имкон пайдо бўлади. Мамлакатхон ҳам ўқишни давом эттириш бахтига мушарраф бўлди. 1973 йили уни Москвадаги кардиология илмий-текшириш институти клиник ординатурасига таклиф этишди. Бу даргоҳда Мамлакат Рустамова номзодлик диссертациясини ёқлади.

Тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлиб келган шифокор неча йил мобайнида пойтахт шаҳар «Тез ёрдам» клиникасида ишлаб, тажриба орттирди. Даволаш, беморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш амалиётини ўзлаштирди. Энг оғир дамларда беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш машаққатини ўша жабҳада ишлаган шифокоргина яхшироқ тушунади. Фавқулодда «тез ёрдам» чақирилганда зудлик билан етиб борган шифокорга эса осон бўлмайди. Фараз қилинг. Ўрта ёшли бемор беҳуш ётибди. У нима учун бу ҳолга тушди. Нима еган ё қанақа хатти-ҳаракат қилган. Биринчи ёрдам учун унга қандай муолажа қилиш зарур — буларнинг барчаси тезкор шифокордан жуда катта билим, тажриба ва малака талаб этади. Беморнинг ўз уйида ё ишхонасидаёқ даволашга, керак бўлса ҳаётини сақлаб қолишга киришиши зарур... Даволашнинг «бошланғич поғонаси»дан бошлаб шу соҳа сирларини миридан-сиригача ўрганган малакали шифокор опамиз бугунги кунда орзулари камолот чўққисига эришган.



Тиббиёт фанлари доктори, профессор унвонига эга бўлган Мамлакат Рустамова айни дамларда Тошкент тиббиёт институтида ишлаётир. 1996 йили ўзининг ташаббуси билан очилган «Умумий амалиёт шифокори тайёрловчи» ички касалликлар кафедрасига мудирлик қилаётир.

Мазкур кафедрада ёшларга пухта билим бериш билан бир қаторда кўплаб хайрли ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, республика ҳукуматининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш мақсадида кафедра жамоаси томонидан зарур тадбирлар ишлаб чиқилган. Яъни, шундай тоифадаги қариялар-да юрак-қон томир касалликларини, нафас олиш аъзолари ва клиник хусусиятларини ўрганиб, даволаш-профилактик ишларини йўлга қўйиш борасида амалий ишлар қилинаётир.

— Юртимиз истиқлоли шарофати билан ўқув даргоҳларида таълим беришнинг ҳам илғор усуллари қўлланилмоқда, — дейди профессор Мамлакат Рустамова. — Бўлғуси шифокорлар аввало ўз она тилимизда таҳсил олишаётир. Нафақат Шарқнинг, балки бутун дунё тиб илмининг ҳакими дея эътироф этилган буюк аждодимиз Абу Али ибн Сино таълимоти мукаммал ўргатилмоқда. Шарқ табобати бугунги тиббиёт илмининг асосига айланмоқда. Шунингдек, тиббиёт соҳасида эришилаётган жаҳон фани андозалари ҳам институтимизда пухта ўзлаштирилаётир. Бир замонлар аҳли жаҳонни ҳайратга солган табобатимиз ҳали яна дунёга довруқ таратишига ишонаман.

Мамлакат опанинг асли орзуси шу бўлса керак. Ўзбек ёшларининг айнан тиббиёт соҳасида ҳам юксак чўққиларни забт этишини хоҳлайди. Бу улуғвор мақсад йўлида матонат ила курашиш унинг учун ҳаёт мазмунидир.

**■ Бобомурод РАЙИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ШУНАҚА ГАПЛАР

# АЁЛ ЗОТИНИ ЁҚТИРМАЙДИГАН БУЮКЛАР

Эрамиздан аввал тахминан 480-406 йилларда яшаб ўтган қадимги юнон драматурги Еврипедга хотини хиёнат қилади. Умр йўлдошини ўз қўли билан ушлаб олгач, у билан ажрашади ва иккинчи бор уйланади. Лекин афсуски, иккинчи хотинидан ҳам ёлчимайди. Шундан сўнг Еврипеднинг хотинларни кўргани кўзи, отгани ўқи бўлмайди.

Нақл қилишларича ҳатто аёллар Еврипедга ҳужум уюштиришиб, уни ўлдиришмоқчи бўлишган экан. Буюк драматург бундан сўнг минбад бу номаъқулчиликни қилмаслик, Момо Ҳаввонинг қизлари шаънига ёмон гапирмаслигини айтиб тавба қилган экан.

Буюк рассом Тициан ҳам ўз хотинидан ўлгудек қўрққанлар хилидан бўлган. Хотини ҳар куни уни кечаги қилинган сарф-харажатлар тўғрисида ахборот беришга мажбур қиларкан. Мабодо, рассом одатдагидан кўпроқ сарф-харажат қилиб қўйган бўлса, худди ёш гўдакдек ҳар хил баҳона-ю важ топиб, чап беришга ҳаракат қиларкан.

Шекспир рафиқасининг жанжалларидан безиб, Стартфорддан Лондонга қочган.

Жонатон Свифт эр-хотинлик муносабатларидан шу қадар қўрқар эдики, севгилига 17 йил яширинча юрганидан сўнг 49 ёшида пинҳона уйланади.

Буюк ҳайкалтарош Микеланжело оилавий ҳаёт мени санъатдан узоқлаштиради, дея чўчиб бир умр уйланмай ўтган.

Бетховен, Брамс ва Шубертлар ҳақиқий бўйдоқлар бўлишган.

Англиялик философ Дэвид Юм бир қизни севиб қолади ва унинг қўлини сўрайди. Қиз рад жавобини беради. Бундан воқиф бўлган ўртоқлари ўртага тушиб, қизни кўндирадилар ва Юмга севгилиси ўз фикрини ўзгартирганлигини хурсандлиқ билан унга маълум қилишади. «Мен фикримни ўзгартирдим», — дейди философ ва бир умр тоқ ўтади.

Итальян дирижёри Тосканини ўз оркестри сафига аёл чолғучиларни олмас эди. Бунинг сабабини сўраганда «Чиройли аёллар эркак чолғучиларимнинг диққатини ўзига тортиб чалғитади, хунуклари эса менга халақит бериши мумкин», дея гапни ҳазилга буриб қўя қоларди.

Буюк шоир Байрон аёллар эркаклар билан бир стол атрофида ўтиришга ҳақлари йўқ. Уларнинг ўрни ҳарамда. «Аёлга ойна билан ширинлик берсангиз бўлди, ундан бахтли одам бўлмайди», дея кўп гапиради.

Улуғ рус ёзувчиси Лев Толстой ўз аёлидан шу қадар безиб, ҳатто қорқировли кунда хотинидан қочиб, кўчада вафот этганди.

Албатта, булар айрим тарихий шахслар ҳаётидан олинган лавҳалар. Аммо, баъзи бир буюк шахслар аёлларсиз бирор кунини тасаввур этолмасдилар. Дейлик, Чарли Чаплин «Гўзалларсиз яшаш — аҳмоқликнинг ўзгинаси» деб ҳисобларди. Шунинг учун у иш, ижод билан тенг равишда жононларнинг кўнглини овлашга ҳам улгурарди.

**■ Хориж матбуоти материаллари асосида Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ тайёрлади.**

КИТОБ — СОДИҚ ДЎСТ

# ҲАҚҚОНИЙ ТАРИХ — КЕЛАЖАК МУРАББИЙСИ

Мустақилликнинг илк давриданоқ Ўзбекистоннинг янги, ҳаққоний тарихини яратиш иши муҳим ҳаётий заруратга айланди. Ўзбекистон Президентининг 1996 йил 18 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги «Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш ҳақида»ги қарорлари тарихшуносликка бўлган муносабатни кўрсатиб турибди.

Яқинда «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРИХИ» китобининг «Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида» деб номланган биринчи жилди «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида нашрдан чиқди.

«Ўзбекистоннинг янги тарихи» илмий-оммабоп услубда тарихий манбалар: архив ҳужжатлари, қўлёзма асарлар, эсдаликлар, тарихий ва бадиий асарларга таяниб ёзилган. Хусусан, истилода бевосита иштирок этган рус зобитлари ва ҳарбий мундирли олимларнинг ҳамда маҳаллий муаррихларнинг Туркистон босқинига оид асарларидан кенг фойдаланилган. Айни чоғда, шўро ва истиқлол даврида, шунингдек, хорижда яратилган бу давр тарихи тўғрисидаги тарихий-илмий адабиётларга, тадқиқотларга таяниб иш кўрилди.

Мазкур китоб асосан 1865 йилдан 1917 йил февраль воқеаларигача бўлган даврни қамраб олади. Бироқ чоризм истилочилиги айни XIX аср ўрталарида тўсатдан содир бўлган воқеа эмас, балки у дунёга эгалик қилиш ниятида қурилган кўп йиллик режа ва ҳаракатларнинг маҳсули эди. 1714-1717 йилларда Пётр I томонидан юборилган экспедиция, унинг Ўрта Осиёни ўрганиш борасидаги фаолияти ана шу йўлдаги дастлабки уриниш бўлган. Китобда биринчи марта мустамлакачиликнинг моҳиятини ана шу даврдан бошлаб ўрганилади.

Умумий тарзда лўнда қилиб айтадиган бўлсак, китоб мундарижаси ўз ичига Туркистон ўлкасини чор Россияси томонидан босиб олиниши, унинг мустамлакасига айланиши, бу ҳолнинг сабаблари, мустамлакачиликнинг моҳияти ва оқибатлари каби масалаларни қамраб олиб, асосан қуйидаги тўрт жиҳатни ёритишни кўзда тутган:

1. Чор Россияси босқини арафасида ўзбек хонликларидаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият;

2. Ўрта Осиё ўзбек хонликларининг истило этилиши;

3. Чор Россиясининг Туркистонни иқтисодий-сиёсий, маданий-маънавий жиҳатдан тўла мустамлакага айлантириш учун олиб борган сиёсати ва унинг оқибатлари;

4. Ўлкада миллий давлатчилик ва мустақилликка эришиш учун олиб борилган курашлар, халқ ҳаракатлари ва жадидчиликнинг илк қадамлари.

Китобда биринчи марта ҳозиргача номлари тилга олинмаган, хизматлари унутилган ёки нотўғри талқин этилган ёхуд шу пайтгача кам тилга олинган истиқлол қаҳрамонлари ҳақида талай маълумотлар келтирилган. Шу билан бир қаторда миллий-озодлик ҳаракати тадрижи ва босқичлари, шунингдек, истиқлол мафкураси асосчилари бўлган жадидлар фаолиятига кенг ўрин берилган.

Хулоса қилиб айтганда, яқин кечмишдаги тарихий ҳақиқатни — халқимизнинг мусибатли, тушкун даврларини холис ва илмий ёритишга бағишланган ушбу асар ўз мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистонимиз учун, унинг ҳар бир асл фарзанди учун сабоқ ва ибрат битиги бўлиб хизмат қилади.

«Ўзбекистон янги тарихи»нинг мамлакатимизда шўролар тузуми даври тарихи ёритилган иккинчи ва мустақиллик даври тарихига бағишланган учинчи жилдлари ҳам тайёрланган ва нашрга топширилган. Яқин вақт ичида бу китоблар ҳам ўқувчилар қўлига етиб боради.

**■ Тўлқин ТОҒАЕВ, Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази етакчи илмий ходими.**

СПОРТ

# «ОЛТИН БОШОҚ» — УМИДЛИ ЖАМОА

Маълумки, биринчи лига жамоалари мамлакат миллий чемпионати иккинчи даври ўйинларини якшанба куни бошлайдилар. Оралиқ маррага эса «Машъал», «Академия», «Цементчи» жамоалари фахрли ўринларни эгаллаган ҳолда етиб келишди. Зотан, жомбойлик мухлисларнинг биринчи лига «меҳмони» «Олтин бошоқ»дан умидлари катта. Бу жамоага туман ҳокимлиги, «Жомбойдон» ҳиссадорлик уюшмаси ва «Қора ариқ» деҳқон-фермер хўжалиги ҳомийлик қилмоқда. Жамоа дастлабки даврани 8 та ғалаба, шунча мағлубият, 3 та дуранг билан, тўплар нисбатини 30-30 қилиб, 27 очко тўплаган ҳолда кучли ўнликдан жой олиб якунлади. Буни кучлилар сафида ўйнаётган жамоа учун қониқарли деса бўлар. Бир ният, у ҳам бўлса вилоятда ягона ҳисобланган биринчи лига вакили «Олтин бошоқ» футболчиларини вилоят ҳокимлиги, қолаверса, «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси ҳам қўллаcа, айни муддао бўларди.

**■ Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## КУЛГУ — УМР ЗИЙНАТИ

***— Янги йилга хотинимга нима совға қилсам экан?***

***— Мен одатда кейин ўзимга ҳам керак бўладиган нарсани совға қиламан.***

***— Лекин мен фақат унинг учун совға олмоқчиман.***

***— Ундай бўлса, бир бўлак совун ола қол.***



*Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 1999 йил 30 ноябрдаги № 3339-Э сонли қарорига биноан «Моҳир Бинокор» акциядорлик жамияти банкрот деб эълон қилинди.*

*2000 йил 1 августда «Моҳир Бинокор» акциядорлик жамиятининг 78-ва 29-қурилиш бошқармалари бўйича 1997 йил июль-август ойлари учун маошлар берилади.*

Юқорида номлари кўрсатилган бошқармалар ходимларини ушбу манзилга келишларини сўраймиз: Амир Темур кўчаси, 24-уй, 4-қават, 408-хона.

**БОШ МУҲАРРИР**
Азим СУЮН

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**
*Абдулла ОРИПОВ*
*Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ*
*Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ*
*Ислом ШОҒУЛОМОВ*
*Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)*
*Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)*
*Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)*
*Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)*
*Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)*

**МУАССИС:**
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**БЎЛИМЛАР:**
*Сиёсат — 133-44-55*
*Иқтисодиёт — 133-76-04*
*Маънавият — 133-07-20*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16*
*Ахборот — 133-12-56*
*Котибият — 133-21-43*
*Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,*
*Факс — 133-73-43, 133-06-83*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**
*Андижонда — 25-16-16;*
*Бухорода — 23-51-40;*
*Гулистонда — 25-16-22;*
*Жиззахда — 3-29-44;*
*Навоийда — 3-39-20;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 222-70-12;*
*Самарқандда — 35-20-54;*
*Тошкентда — 136-53-16;*
*Урганчда — 226-51-35;*
*Фарғонада — 26-46-84;*
*Қаршида — 4-61-35;*
*Термизда — 3-79-98.*

**МАНЗИЛИМИЗ:**
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
*Мирбахтиёр Мирфайзиев*
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи
*Бахтиёр Жуманов*

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили:
*Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
*Ҳажми 2 босма табоқ.*
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 602

*Топшириш вақти -- 21.00.*
*Топширилди -- 21.00.*
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА